# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 10 июнь № 122 (3397) Пайшанба






## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июнь куни Оқсаройда Россия Федерациясининг "Россия темир йўллари" очиқ акционерлик жамияти президенти Геннадий Фадеевни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Россия темир йўл соҳасида фаол ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйганини, икки томон ҳам алоқаларни ўзаро манфаатдорлик асосида янада ривожлантириш йўлида изчил ҳаракат қилаётганини таъкидлади.

Ҳозирги замон, дунёда вужудга келган вазият транспорт коммуникацияларини ривожлантиришни, мамлакатлар ўртасида ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни ҳар томонлама такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон ва Россиянинг жуғрофий жойлашуви нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам муҳим стратегик аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатларимиз бошқа йўналишлар қатори темир йўл соҳасида ҳам фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Жорий йилнинг дастлабки беш ойида Ўзбекистондан Россияга 212,8 минг тонна, Россиядан юртимизга 465,2 минг тонна юк ташилди.

Транзит юкларни ташишда, вагонларни қуриш ва таъмирлашда ҳам Ўзбекистон ва Россия темирйўлчилари ҳамкорлик кўламини оширмоқда. Ўзбекистондан Россиянинг турли минтақаларига 6 йўловчи ташиш поезди қатнайди.

Келгусидаги вазифалар сирасига эса ўзаро маъқул ва мақбул тариф сиёсатини юритиш орқали юк ташиш ҳажмини ошириш учун қулай шароит яратиш, янги темир йўл линияларининг транзит имкониятларини ишга солган ҳолда транспорт йўлакларини кенгайтириш, учинчи мамлакатлар, хусусан, Афғонистон ҳудудида янги темир йўлларни барпо этишни киритиш мумкин.

Г.Фадеев МДҲ мамлакатлари Темир йўл транспорти бўйича кенгашининг Тошкентда ўтаётган 38-мажлисида қатнашиш учун келган. Мазкур тадбирнинг Ўзбекистонда ўтказилаётгани мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳиятидан яна бир далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кўламини кенгайтиришда темирйўлчиларнинг ҳам ҳамкорлиги муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Бу борада янги имкониятларни топиш ва ишга солишга оид масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.**

## Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 38-мажлиси қатнашчиларига

*Ҳурматли мажлис иштирокчилари!*
*Азиз меҳмонлар!*

*Сиз, темир йўл транспорти бўйича Кенгашнинг навбатдаги мажлиси қатнашчиларини Ўзбекистон заминида самимий табриклаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.*

*Маълумки, Марказий Осиёда муҳим геостратегик ўрин эгаллаган бизнинг мамлакатимиз ҳудуди орқали қадим замонлардан Буюк Ипак йўли ўтган, бу ерда кўпдан-кўп савдо йўллари туташган ва бу жаҳон халқлари маданиятларининг жадал суръатларда бир-бирини ўзаро бойитишига хизмат қилган. Бугунги кунда ҳам Шарқдан Ғарбга, Жанубдан Шимолга олиб борадиган транспорт магистраллари шу ерда кесишади.*

*Шу билан бирга, ҳозирги кунда дунёда рўй бераётган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар мавжуд магистраллардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, йирик халқаро бозорларни туташтирадиган янги, самарали йўналишларни очиш ва ўзлаштиришни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлатларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келади ҳамда табиий ва минерал-хомашё захираларининг бой манбаларидан кенг кўламда фойдаланиш имконини беради. Транспорт коммуникацияларини ривожлантириш иқтисодиётни жўшқин ва барқарор тараққий эттириш кафолати бўлиб хизмат қилади, халқларимиз ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим замин бўлади.*

*Темир йўл транспорти бўйича Кенгаш мажлиси муҳокамасига қўйилган масалалар айнан шу нуқтаи назардан долзарб ва ҳаётий аҳамиятга эга. Уларни муваффақиятли ҳал этиш темир йўл қатнови тизимини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.*

*Мен Кенгашнинг Тошкент шаҳрида ўтаётган мазкур мажлиси давлатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва интеграция жараёнларини чуқурлаштиришда муҳим омил бўлади, деб қатъий ишонаман.*

*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизда муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Аксилтеррор тузилмаси ҳаракатда

***Июнь ойининг ўртасида Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади. ШҲТнинг ушбу саммити ташкилот ҳаётидаги қатор муҳим саналарга тўғри келаяпти.***

***Биринчидан, ташкилотга асос солинганлигининг уч йиллик айёми нишонланади — 2001 йил 15 июнь куни Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарлари Шанхайда ШҲТни ташкил этиш тўғрисидаги Декларацияни имзолаган эдилар. Тошкент саммити мамлакатимизнинг ШҲТга йиллик раислик муддатига якун ясайди — мутахассисларнинг фикрича, шу вақт давомида ташкилот фаолиятининг жонланиши кузатилди. Ва ниҳоят, Тошкент саммити доирасида ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (МАТТ) расмий очилиш маросими бўлиб ўтади.***

***Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти нимадан иборат бўлади — биз мазкур тузилма ижроия қўмитаси директори Вячаслав Қосимовга шу савол билан мурожаат қилдик.***

— ШҲТнинг Шанхайда бўлиб ўтган биринчи саммитида ташкилотнинг иккита ишчи органи — Котибият ва Минтақавий аксилтеррор тузилмасини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Ўтган йили Москва саммитида Минтақавий аксилтеррор тузилмаси қароргоҳини Ўзбекистон пойтахтида очишга келишиб олинди. Қисқа муддат ичида ушбу қарор ижросининг ҳуқуқий асослари яратилди ва махсус бино ажратилиб, у энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланди. Ўтган йилнинг биринчи ноябрида тузилма техник кўрикдан ўтди ва шу йил январдан тўлақонли фаолият юрита бошлади.

**(Давоми 2-бетда).**

***Маълумки, мамлакатимизда шу йилнинг 11-15 июнида Хитой Халқ Республикаси Маданият вазирлиги вакиллари, цирк усталари, миллий чолғу асбоблари оркестри, машҳур Гуанчжоу ҳарбий цирки артистлари, мусаввиру сураткашлари иштирокида "Хитой маданияти кунлари" бўлиб ўтади.***

## Хитой оҳанглари янграйди

Кеча Миллий матбуот марказида мазкур тадбир олдидан матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда ҳукуматлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда, икки халқни бири-бирига яқинлаштиришда мана шундай тадбирларнинг аҳамияти муҳимлиги таъкидланди. Бу борада қатор ибратли ишлар амалга оширилаётганига урғу берилди. Жумладан, 1992 йил 13 мартда давлатимиз билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим Пекинда имзоланганди. Шундан буён юртимизнинг қатор ижодий жамоалари Хитойда сафарда бўлиб, бой

**(Давоми 2-бетда).**

## Темирйўлчилар ҳамкорликни мустаҳкамламоқда

***Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 38-мажлиси очилди. Унда Латвия, Литва, Эстония, Болгария, Финляндия темир йўл маъмуриятлари вакиллари ҳам иштирок этмоқда.***

Нуфузли халқаро орган анжуманини Тошкентда ўтказиш ҳақидаги қарор Ҳамдўстлик давлатлари иқтисодий ҳамкорлигида, Евроосиё мамлакатлари темир йўл идоралари алоқаларини мустаҳкамлашда, жаҳон транспорт тармоғига янада интеграциялашув йўлида кўрилаётган самарали чора-тадбирларда Ўзбекистоннинг роли ортиб бораётганининг эътирофи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши 38-мажлиси қатнашчиларига табригини республика Бош вазири ўринбосари Р.Файзуллаев ўқиб эшиттирди.

Кенгашнинг бу галги мажлисида темир йўллар фаолияти, ҳаракат жадвали ва поездларни шакллантириш режаси, вагон оқимларини йўналтириш, ўзаро ҳисоб-китоблар тартиб ва қоидаларини такомиллаштириш, юк вагонларини таъмирлашда янги технологияларни жорий этиш, "Инфосеть-21" юқори тезликда маълумот узатиш тармоғини яратиш ва темир йўл транспорти ишининг бошқа жиҳатларига оид долзарб масалалар кўриб чиқилади.

Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши МДҲ ҳукуматлари раҳбарларининг 1992 йил 14 февралдаги битимига мувофиқ ташкил этилди ва унинг қароргоҳи Москва шаҳрида жойлашган. У давлатлараро даражада темир йўл транспорти ишини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Кенгашнинг асосий вазифаларига темир йўллардан фойдаланиш, юк вагонлари ва контейнерлардан биргаликда фойдаланиш ва уларнинг техник ҳолатини таъминлаш масалаларини ҳал этиш, ташишлар шартларини ишлаб чиқиш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ягона тариф сиёсатини олиб бориш, ўз фаолият доираси бўйича меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш киради.

Кенгаш тузилганидан буён ўтган 12 йил давомида 140 дан ортиқ муҳим битим, қоида, йўриқнома ва ҳужжатлар қабул қилиниб, улар иқтисодий, молиявий, ҳуқуқий ва бошқа масалаларни ҳал қилишда ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилди. Жумладан, ташиш жараёнини ташкил этиш, поездлар ҳаракати хавфсизлигини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, темир йўл транспорти инфратузилмасини техник таъминлаш бўйича давлатлараро стандартлар ишлаб чиқилди. Мавжуд транспорт йўлакларидан самарали фойдаланиш бўйича битимга эришилди, давлатлараро алоқада ва учинчи мамлакатлар билан алоқада йўловчилар, юкларни ташиш юзасидан тариф сиёсати ҳукуматлар раҳбарлари томонидан қабул қилинган концепция ва халқаро битимлар доирасида келишиб олинди.

Бугунги кунда Ҳамдўстлик темир йўллари яхши йўлга қўйилган узлуксиз алоқа тизимидан иборат. Юк ва йўловчи ташиш ҳажмларининг ўсиши МДҲ темирйўлчилари нафақат ўз мамлакатлари эҳтиёжларини қондираётгани, балки бозор рақобати шароитида транзит юкларни муваффақиятли жалб этаётганидан далолат беради.

Мажлис қатнашчилари Ўзбекистон Евроосиё транспорт йўлагида темир йўл алоқасида тобора муҳим ўрин эгаллаётгани, МДҲ ва бошқа мамлакатлар темир йўлларининг янада яқин ҳамкорлиги мақсадида транзит салоҳиятидан муваффақиятли фойдаланаётганини таъкидлашди.

Мажлисда миллий темир йўл тармоғи номидан "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компанияси (ДАТК) қатнашмоқда. У 1994 йилда мамлакатимиз Президентининг Фармонига кўра ташкил этилган бўлиб, ўн йил давомида катта натижаларга эришди. Компания мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади ва Шарқ-Ғарб орасида асосий транспорт бўғинига айланди. Компания асосий йўлларининг умумий узунлиги — 4500 километр. Юк ва йўловчи ташиш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда, бутун республика темир йўлининг комплекс ривожлантирилиши ҳам бунга ёрдам бермоқа. 2003 йилнинг ўзида 52,3 миллион тонна юк ташилди, бу эса 2002 йилдагидан 14 фоиз кўпдир. Йўловчи ташиш айланмаси эса 103 фоизга бажарилди.

Ҳозирда ДАТК юк ва йўловчи вагонлари, локомотивларни таъмирлаш бўйича замонавий база, кенг тармоқ инфратузилмасига эга. Халқаро молия ташкилотлари маблағларини жалб этган ҳолда йирик инвестиция лойиҳалари босқичма-босқич амалга оширилиб, улар темир йўллар ишини янада такомиллаштиришга қаратилган. ДАТК фаолиятининг устувор йўналишлари янги темир йўл линияларини қуриш, йўл участкаларини электрлаштириш, ҳаракатдаги составни замонавийлаштириш, тезкор транспорт коммуникацияларини ташкил этишдир.

"Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК иш тажрибаси кенгаш аъзолари томонидан ўрганиш учун тавсия этилди ва у анжуманда иштироқ этаётган темир йўл маъмуриятлари вакилларида қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Анжуман иштирокчиларининг компаниянинг қатор корхоналарига бориши, "Регистон" тезюрар поездида Самарқандга сафар қилиши режалаштирилган.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Биз ўта муҳим бир сиёсий воқеа арафасида турибмиз. У ҳам бўлса, жорий йилнинг декабрь ойига мўлжалланган Парламентга ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловлардир.***

## Сайловлар моҳияти

### Уни кенг оммага етказишда ҳар биримиз масъулмиз

Бу галги сайлов шуниси билан ҳам янада муҳимки, умумхалқ сайловида сайланадиган Парламент илк бора ва икки палатадан иборат таркибда фаолият кўрсатади.

Аввало, шуни таъкидлаш ўринлики, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, тафаккури аввалги йиллардагига қараганда, бир қадар ўсди. Улар энди ўз фикр-мулоҳазаларининг, сайловда берадиган овозларининг қадрини англай бошладилар.

Бунга мамлакатимизда шакллантирилган ва амал қилаётган мустаҳкам ҳуқуқий база ҳам маълум маънода хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унга мос равишда қабул қилинган қонунларда фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари мукаммал тарзда ифода этилган. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 117-моддасида шундай таъкидланади: ***«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар... Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади».*** Эътироф этилган бу қоиданинг Конституциямизда мустаҳкамланиши айнан демократик жамият талабларига ҳамоҳангдир. Ўз навбатида, ушбу меъёр фуқароларимизнинг Асосий қонун 32-моддасида белгиланган **«...жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи»**нинг кафолати ҳамдир.

Албатта, парламент сайловларининг конституциявий асослари тўғрисида гап кетар экан, мазкур ҳолат Асосий қонунимизда мукаммал ифода этилганлигининг гувоҳи бўламиз. 11-моддада белгиланганидек, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланишининг ўзиёқ фикримиз далилидир. Бундан ташқари, Асосий қонунда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси», деб номланган алоҳида боб мавжуд. Унда Олий Мажлиснинг икки палатадан иборат эканлиги ҳамда ҳар иккала палатанинг ваколат ва бурчлари, Олий Мажлисга кимлар сайлаши ва сайланиши мумкинлиги, парламент таркибидаги қўмита, комиссияларнинг ҳуқуқий ҳолати каби кўплаб муҳим масалалар атрофлича ифода этилган.

Асосий қонунимизнинг 76-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлис ҳар иккала палатасининг ваколат муддати беш йил этиб белгиланган.

Шу ўринда Конституциямизнинг 77-моддаси моҳиятига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлиши таъкидланган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Асосий қонун Қонунчилик палатасининг кўп партиявийлик асосида шакллантирилишини белгиламоқда. Бу айнан демократик анъаналарга ҳамоҳангдир. Яъни, Парламент битта партия ёки сиёсий ҳаракат вакилларидангина иборат бўлиб қолмайди. Бу эса, ўз навбатида, жамиятдаги турли қарашлар, турфа фикрларнинг, хоҳиш-истакларнинг рўёбга чиқишига, уларнинг ранг-баранг тарзда қонунларда ифода этилишига хизмат қилади.

77-моддада белгиланганидек, Сенат аъзоларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланиши адолат тамойиллари тантанасидир. Бу ҳол келиб чиқиши мумкин бўлган салбий оқибатларнинг олдини олади. Қарорлар қабул қилишда ҳудудларнинг тор доирадаги ўзига хос манфаатларининг устунлиги истисно этилади, ҳар бир ҳудуднинг манфаатлари инобатга олинган ҳолда умуммамлакат манфаатлари устуворлик касб этади.

Сенат аъзоларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланиши ҳам ғоят муҳим аҳамият касб этади. Чунки, сир эмас, кўпчилик ҳолларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳамда мазкур органлар депутатларининг нуфузи, таъсирчанлиги замон талаблари даражасида бўлмаётган эди. Асосий қонунимиз эса уларга энди жуда катта ваколат бермоқда: вакиллик органлари депутатлари Олий Мажлиснинг юқори палатаси, яъни Сенатни шакллантиришда бевосита қатнашадилар. Бундан ташқари, Сенат аъзоларининг аксарияти айнан улар орасидан сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатнинг ўн олти нафар аъзосининг тайинланиши ҳам янги ўзбек парламентчилиги шаклланишининг муҳим жиҳатидир. Бу ўн олти нафар аъзонинг фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан тайинланиши ана шундай шахсларнинг жамиятда алоҳида эъзозланишидан далолатдир. Шунингдек, Конституциядаги бу меъёр уларнинг бой тажрибалари, салоҳиятларидан қонунчиликни

**(Давоми 2-бетда).**

## Мамлакатимизда биринчи



Сариосиё тумани ғаллакорлари республикамизда биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш шартнома режасини бажардилар. Мавжуд 3805 гектар майдоннинг 2200 гектаридаги ҳосил ўрибянчилиб, давлатга 9455 тонна дон сотилди.

Бобур номли, Искандар Диёров номли, Охунбобоев номли ширкат хўжаликларида, айниқса, юқори ҳосил етиштирилди.

Туманда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом этмоқда.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Муҳтарам муштарийлар!** *«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарига обуна давом этаётганлигини эслатган ҳолда таҳририят Сизнинг манфаатларингизни назарда тутиб, янги имтиёзни жорий этди: иккинчи ярим йиллик обуна нархи 25 фоизга арзонлаштирилди! Обуна бўлишга шошилинг!*

# Аксилтеррор тузилмаси ҳаракатда

(Давоми. Боши 1-бетда).

***— Вячаслав Темирович, Минтақавий аксилтеррор тузилмаси таркиби, унда фаолият кўрсатаётган ходимлар ҳақида сўзлаб берсангиз.***

— Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгаш ва ижроқўмдан ташкил топган. Кенгашга олти давлат махсус хизматлари раҳбарларининг вакиллари киритилган ва ҳозирга қадар унинг иккита йиғилиши бўлиб ўтди. Ижроқўм таркибида ўзаро тасдиқланган лавозим ўринларига мувофиқ ШҲТга аъзо барча давлатларнинг вакиллари ишлайди.

Минтақавий аксилтеррор тузилмасига раҳбарлик аъзо давлатлар ўртасида алмашиб турилади. Масалан, ҳозир кенгашга Қирғизистон вакили, ижроқўмга эса Ўзбекистон вакили етакчилик қилмоқда.

***— Минтақавий аксилтеррор тузилмаси зиммасига қандай вазифалар юклатилган ва уларни қай тарзда амалга ошириш режалаштирилмоқда?***

— Мақсад ва вазифалар ШҲТни ташкил этиш тўғрисидаги Декларация, Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенцияси ва бошқа ҳужжатларда қайд этилган. Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгаши томонидан 2004-2006 йиллар учун тасдиқланган ҳамкорлик режасида ушбу вазифалар ўз ифодасини топган.

Март ойида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов МАТТ қароргоҳига ташриф буюриб, тузилма зиммасига юкланган асосий вазифа ШҲТ давлатларининг терроризм ва бошқа хуружларга қарши курашдаги якдил муносабатини ишлаб чиқишдан иборат эканига эътиборни қаратди.

Тузилма фаолиятидаги асосий йўналишлар хусусида тўхталиб ўтаман. Биринчи йўналиш — бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва махсус хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, террорчилик, экстремистик ва айирмачилик фаолиятига алоқадор шахсларнинг қидирувида, гиёҳванд моддалар савдоси ва халқаро террорчиликни молиявий ва моддий қўллаб-қувватлаётган бошқа жиноий унсурларга қарши курашда ёрдам кўрсатишдан иборат. Шунингдек, масъул мутахассисларни тайёрлашдаги кўмак шу туркумдаги вазифалар сирасига киради.

Иккинчи йўналиш ахборот-таҳлилий фаолиятдан иборат бўлиб, унга кўра ҳамкасбларнинг амалий фаолиятида фойдаланиладиган, минтақадаги жараёнларни чуқур тушуниш, уларга тўғри баҳо бериш ва аниқ башоратлар қилишга имкон яратадиган маълумотлар манбаи барпо этилади.

Ва ниҳоят, халқаро-ҳуқуқий йўналиш МАТТ фаолиятининг узвий қисмига айланмоғи даркор. Доимий мулоқотлар нафақат ШҲТ доирасида, балки БМТ, ЕҲҲТ, АСЕАН, ЕИ сингари халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари билан ҳам олиб борилиши зарур. Биз БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчиликка қарши бошқармаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйгандик, Ўзбекистон вакили Венада бўлиб ўтган ЕҲҲТнинг террорчиликка қарши кураш мавзуига доир семинарида иштирок этди.

Ҳозир бўлажак фаолиятимиз самарадорлигини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи муҳим ва масъулиятли босқич ниҳоясига етмоқда. Тегишли миллий идораларнинг ШҲТ доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги учун ҳуқуқий асос барпо этилди, махсус хизматларнинг ҳужжат олиш, зарур ахборот алмашув тартиблари ишлаб чиқилмоқда. Бу аср таҳдидларига қарши ҳамжиҳат ва самарали курашда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йиллар фожиалари халқаро терроризмнинг мамлакатларимиз ва халқларимизга, бутун жаҳонга туғдираётган хавф-хатарини яққол намоён этди. Террорчиларнинг хуружларига жавоб беришнинг ўзи етарли эмас. Ташаббусни қўлга олиш, халқаро жиноий гуруҳларга қарши ҳужумга ўтиш, уларнинг илдизлари ва молиявий манбаларини яксон этиш вақти етди. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилоти олдида турган асосий вазифалардан биридир. Умид қиламизки, ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолияти бу вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Олег ШАТУНОВСКИЙ,**
**"Жаҳон" АА.**

# МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАГАН ФУҚАРОЛАРИМИЗГА ҒАМХЎРЛИК

Мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим олиши учун ҳар томонлама шарт-шароит яратиш Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътиборида. Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 10 мартда қабул қилган "Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарор бунинг яна бир тасдиғидир.

Ушбу қарор талабларини бажариш йўлида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларимизни олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун сифатли тайёрлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Хусусан, вазирлик шу мақсадда мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларида ушбу тоифадаги абитуриентлар учун 7 июндан 28 июлгача фаолият кўрсатувчи бепул махсус тайёрлов курслари ташкил этди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан маълум қилишларича, ушбу курслар таълим йўналишлари бўйича тест синовларига киритилган тегишли фанлар мажмуасига мос равишда уюштирилган.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар танлаган таълим йўналишлари жойлардаги олий таълим муассасаларида мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, уларга ўзлари танлаган таълим йўналишига мувофиқ келувчи фанлардан машғулотлар ўтилади.

Махсус тайёрлов курсларига ўқишга кирган ва ётоқхонага муҳтож бўлган тингловчиларга олий таълим муассасаларининг "Талабалар уйи"дан жой ажратилади ва тегишли қулайликлар яратиб берилади.

Махсус тайёрлов курслари тингловчиларига фанлардан қўшимча мустақил тайёргарлик кўришлари учун олий таълим муассасалари кутубхоналаридан фойдаланишга ҳам рухсат этилади.

**(ЎзА).**



*Самарқанддаги «Зарафшон» тош майдалаш заводи мамлакатимиздаги етакчи корхоналар сирасига киради. Темир йўл ва автомобиль йўллари қурилишида зарур бўлган материаллар ишлаб чиқарадиган ушбу завод ташкил этилганига 50 йил тўлди. Ана шу муддат давомида жамоа аҳли томонидан 8 минг километр узунликдаги йўл қурилишига маҳсулот етказиб берди.*

**СУРАТЛАРДА:** заводда иш қизғин; корхона раҳбари Ўктам Нўъмонов ва корхона ишчилари Азамат Хўжаев, Равшан Нўъмонов.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ олган суратлар.**



# Хитой оҳанглари янграйди

(Давоми. Боши 1-бетда).

маданий меросимизнинг бетакрор жозибасидан мезбонларни баҳраманд этиб, ўз навбатида Шинжон Уйғур Автоном районининг ашула ва рақс ансамбли, хитойлик цирк артистлари республикамиз аҳлини ўз санъатлари билан ошно этиб келмоқдалар.

Бу йилги маданият кунларида Ўзбекистон Бадиий академиясининг замонавий санъат марказида хитойлик мусаввир ва рассомларнинг кўргазмаси, Киночилар уйида Хитой кино усталари томонидан яратилган энг сўнгги фильмлари, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ҳамда "Туркистон" саройларида миллий чолғу оркестри, цирк усталарининг чиқишлари намойиш этилади. Шунингдек, меҳмонлар Самарқанд ва Тошкент шаҳрининг тарихий ва диққатга сазовор жойларида бўладилар, халқимизнинг бой ўтмиши ҳамда мамлакатимизда қўлга киритилаётган ютуқлар билан танишадилар.

**С. МУҚИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# Қаддини тиклаётган шаҳар

***Ангрен кичик шаҳарлар тоифасига кирса-да, саноат ва ишлаб чиқариш корхоналарининг кўплиги жиҳатидан республикамизда етакчи ўрин тутади. Қудратли Ангрен ГРЭСи ёки кўмир конини ким ҳам билмайди дейсиз.***

***Аммо сўнгги йилларда бу ердаги айрим ишлаб чиқариш корхоналарининг ёпилгани ёки фаолиятини ўзгартирганидан ҳам кўпчилик хабардор. Шаҳарга кираверишда кўп қаватли уйлардаги баъзи хонадонларнинг бўм-бўшлиги, аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ишламаётгани юқорида келтирилган фикрларни тасдиқлаб турибди.***

— Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида шаҳримиздаги кўплаб корхоналар тўхтади ёки фаолиятини ўзгартирди, айримлари эса ходимлар сонини камайтиришга мажбур бўлди, — дейди Ангрен шаҳар ҳокими ўринбосари И. Абдиқаюмов. — Хусусан, «Ҳайвонот хўжалиги», «Гўшт ишлаб чиқариш» каби йирик корхоналар фаолиятини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. Эски алоқаларнинг бузилиши, корхоналардаги ускуналарнинг эскирганлиги, баъзи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бозор талабларига жавоб беролмаслиги бундай ҳолат юзага келишининг сабаблари бўлди, дейиш мумкин. Шаҳарда иш ўринларининг камайиши ва миграция туфайли баъзи хонадонлар бўшаб қолди. Бундан ташқари, шаҳарни ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси ҳам мавжуд эди.

Хўш, Ангрен бугун қанақа аҳволда? Янги иш ўринларини яратиш борасида қандай ишлар олиб борилаётир?

## Ислоҳот қирралари

Айни пайтда Ангренда 157800 киши истиқомат қилмоқда. Улардан 75900 киши ишга лаёқатли. Бугунги кунгача шаҳар ҳокимлигининг меҳнат бўлими томонидан 3470 киши ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Бўлим бошлиғи Т. Юсуповнинг айтишича, аслида иш билан банд бўлмаган кишиларнинг сони ундан ҳам кўп бўлиши мумкин, аммо уларнинг кўпчилиги хусусий тадбиркорлик билан шуғулланади ёки бирор жойда, қисман бўлса-да, ишлайди. Ҳозир корхоналарни тиклаш, фаолият юритаётганларининг иш доирасини кенгайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш бўлимнинг асосий фаолият йўналишларидан бири.

Ангрен Кўмир кони маъмуриятининг идорасига борганимизда, у ерда одамлар гавжум эди. Сабаби коннинг фаолияти кенгайиши муносабати билан янги иш ўринларига ходимлар қабул қилинаётган экан.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда қабул қилган «Кўмир қазиб чиқаришни ривожлантириш» Давлат дастури корхонамиз фаолиятини тиклаш ва кенгайтиришда муҳим омил бўлди, — дейди Ангрен Кўмир кони раҳбари ўринбосари М. Ҳасанов. — Бизнинг корхона нафақат шаҳримизда, балки республикамиздаги энг йирик меҳнат масканларидан бири. Сўнгги йилларда германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда янги ротор тизимини ишга туширдик. Натижада ишлаб чиқариш суръати анча ўсди. Ҳозир ҳар куни 8-10 минг тонна кўмир қазиб олаяпмиз. Шунинг эвазига янги иш жойлари ташкил қилдик. Масалан, 2002 йили кўмир конида 2115 нафар ишчи хизматчи фаолият юритган бўлса, ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг биринчи чорагида 4200 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди.

Ротор мажмуасида бўлганимизда унинг бошлиғи Н. Усмонов ҳозирги кунда бу ерда 102 киши тўрт сменада ишлаётганини айтди. 2010 йилгача бу ерда яна бешта шундай мажмуа қурилиши режалаштирилган. Шунда йилига 12 миллион тонна кўмир қазиб олиш имконияти яратилади. Агар ишлар шу маромда давом этса, кондаги кўмир захиралари 250-300 йилга етаркан.

Кон фаолияти билан танишиш давомида янги техника тақчиллиги эътиборимизни тортди. Корхона ходимлари эса иш ҳақи вақтида берилмаётганидан нолишди. Кон мутасаддилари хориждан келтирилган янги техниканинг биринчи навбати ишга туширилгани ва келгусида даромаддан келиб чиқиб, уларнинг сонини кўпайтириш корхона олдида турган устувор вазифалардан эканлигини билдиришди.

«Кўмир» ҳиссадорлик жамияти бошқарув раисининг ўринбосари А. Миродилов нақд пул масаласида муаммолар туфайли кон ходимларининг маошини ўз вақтида тўлашда узилиш бўлганлигини айтди. Ҳозирги кунда бу муаммолар бартараф этилган.

Ангрен ГРЭСида электр энергия бошқа жойлардагидан кўра қиммат. Бунинг сабаби, корхонадаги ускуналар эскирган, уларни ишлатиш учун кўп миқдорда кўмир ёқиш керак. Лекин қувват узатиш корхоналари тизими бир-бирига боғлиқлиги туфайли бу ердаги ишларни тўхтатишнинг иложи йўқ. Шу туфайли, корхона бир ойда 56 миллион киловатт соат электр энергия ишлаб чиқаради. Ҳозир эски ускуналарни янгилаш учун маблағ топиш корхонанинг асосий муаммоларидан бири бўлиб турибди.

Ангренда янги иш ўринларини яратиш борасида яна қандай имкониятлар мавжуд?

— Аввало, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш биз учун муҳим аҳамиятга эга, — дейди Ангрен шаҳар ҳокими А. Юсупов. — Бундан ташқари, оғир ва енгил саноат корхоналарини тиклаш ҳамда уларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳам доимий диққат-эътиборимизда. Биласизми, шаҳримизда резина-техника, автотаъмирлаш ва кулолчилик бўйича йирик корхоналар бор. Уларнинг маҳсулотлари харидоргир. Бугунги кунда ушбу корхоналарнинг фаолиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун маҳаллий ва хорижий сармояларни жалб қилаяпмиз. Яқинда Италиянинг «Тоскана Настри» фирмаси билан биргаликда транспортер лентаси ишлаб чиқарувчи «Белтинг-резина» қўшма корхонаси ташкил этилаётир. Унда ишлаб чиқариладиган маҳсулот бемалол мамлакатимизга четдан олиб келинаётган товарларнинг ўрнини боса олади. Ёки арманистонлик тадбиркорлар сармояси билан қурилган «Нишон С» корхонасини кўринг. Унда олиб борилаётган ишлар барчага ибрат бўлиши мумкин.

«Нишон С» корхонасида асосан, кийим-кечак тикилади. Ишлаб чиқариш раҳбари А. Балагузян корхона пойтахтимизда фаолият юритаётган «Гавар текстиль» фирмасининг филиали эканини айтди. Бу ерда айни пайтда 150 нафардан зиёд киши ишлаётир.

— Корхонамизда пахта хом-ашёсидан мато тўқиш ва ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, — деди А. Балагузян. — Бунинг учун янги технологиялар жорий қилинди. Яқин орада, асосан, маҳаллий аҳолини ишга жалб қилиш ҳисобидан ходимлар сонини 1500 нафарга етказишни режалаштирганмиз.

Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг шаҳар бўлимидамиз. Бўлимда ўтган йили тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 131 нафар юридик ва 704 нафар жисмоний шахс рўйхатга олиниб, улардан 82 нафар юридик ва 689 нафар жисмоний шахс палатага аъзо бўлган. Шу кунгача унга аъзо тадбиркорларнинг сони 2497 нафар, юридик мақомга эга корхоналар сони 645 тани ташкил қилади.

— Тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз, — дейди мазкур бўлим раҳбари У. Халдибеков. — 2003 йили палата қошидаги Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва юридик маслаҳат бериш маркази томонидан 2501 нафар тадбиркорга хизмат кўрсатилди. Фермерлик, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фаолият юритаётган тадбиркорларга 1060,3 миллион сўм миқдорида кредит берилди. Бундан ташқари, палата томонидан уларнинг ишларини ўрганиш, амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида мониторинг олиб борилаётир. Бизда ҳар ойнинг охирги ҳафтасининг сешанба куни «Тадбиркорлар куни» деб эълон қилинган.

Дарҳақиқат, шаҳарда олиб борилаётган ишлар Ангреннинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилади. Аммо ичимлик суви муаммоси тўлиқ ҳал этилмагани, табиий газнинг йўқлиги бу ерда ҳали ижтимоий-иқтисодий муаммолар камаймаётганлигидан далолат бериб турибди.

Шундай бўлса-да, Ангрен тараққиёт сари одимламоқда. Ушбу одимларнинг жадаллиги, олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан шаҳарнинг тақдирига жавобгар мутасаддиларнинг фаоллиги ва ангренликларнинг меҳнатсеварлиги, жонкуярлиги ҳамда фидойилигига боғлиқ.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Сайловлар моҳияти

## Уни кенг оммага етказишда ҳар биримиз масъулмиз

(Давоми. Боши 1-бетда).

такомиллаштириш, умуман, жамият тараққиёти учун фойдаланишнинг имкониятидир. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, бўлажак Сенат аъзоларининг ишлаб чиқариш соҳаси билан бирга айнан фан, санъат, адабиёт намояндалари орасидан тайинланиши мазкур соҳаларнинг ривожига ҳам маълум маънода хизмат қилади, жамиятда зиёли инсонлар қатлами мавқеини янада юксак поғонага кўтаради.

Шу билан бирга, Асосий қонунимиз депутатликка, Сенатга аъзоликка номзодларга нисбатан муайян талабларни ҳам қўяди. Яъни, 77-моддага мувофиқ, сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси бўлиши мумкин.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 25-моддасига биноан содир этган жинояти учун судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган фуқаролар, Қуролли Кучларнинг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, бошқа ҳарбийлашган қисмларнинг ходимлари, диний ташкилотлар ва уюшмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод бўлолмайдилар.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар парламент сайловларининг конституциявий асосларини аниқлаштиради, мукаммаллаштиради, тўлдиради.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда сайловлар ўтказишнинг конституциявий асослари мукаммал бир тарзда яратилган. Фуқароларнинг сайловга оид барча ҳуқуқлари кафолатланган. Бу Президентимиз томонидан билдирилган қуйидаги фикрларнинг амалдаги кўринишидир: ***«Демократиянинг энг муҳим тамойили – одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим».***

Бироқ баъзи бир фуқароларимизнинг сайлов ҳақидаги қарашлари, унинг моҳиятини англашлари ҳали талаб даражасига етгани йўқ. Шу боис, фикримизча, демократик жамиятда икки палатали парламент афзалликларини, унинг конституциявий, ҳуқуқий асосларини фуқароларга тушунтиришни, аввало, сайловнинг моҳиятини англатишдан бошламоқ лозим. Одамларни ҳаётни қонунлар бошқаради, деган ақидага ишонтириш зарур. Улар бу қонунларни эса айнан ўзлари сайлаган депутатлар ишлаб чиқиши ва қабул қилишини билишлари шарт.

Сайловлар одамларга бериладиган танлаш имкониятидир. Ҳамма гап фуқароларнинг кимни танлай билишларида. Таъбир жоиз бўлса, фуқароларда ана шу «зукколик»ни, танлаш маҳоратини шакллантириш муҳим вазифалардандир. Биринчи галда судлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, оммавий ахборот воситалари ходимлари бу каби улкан масъулиятни теран англамоқлари талаб этилади.

Демократик жамиятда сайловлар пайтида номзодлар томонидан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам алоҳида эътиборга молик. Уларнинг оташин нутқларини тинглаётган сайловчини нотиқнинг маърузаси моҳиятини тушуниб оладиган даражада тайёрлаш лозим. Илгариги сайловлар арафасида номзодлар баландпарвоз, лекин амалга ошмайдиган ваъдалар билан сайловчиларнинг кўнглини овлашар эди. Фуқаролар англашлари зарурки, депутатнинг вазифаси кўчага асфальт ётқизиш ёки ичимлик суви келтиришдан эмас, балки ана шунга замин яратадиган, мутасаддиларни мажбурлайдиган қонун яратиш ва қабул қилишдан иборатдир. Ўз навбатида, бу ҳол депутатни одамларни ташвишга солаётган катта-кичик муаммолар устида бош қотириш масъулиятидан ҳам озод этмайди. Аксинча, умуммамлакатга тааллуқли барча масалаларнинг ечими юзасидан ўйлашга, фикрлашга ундайди.

Ҳеч бўлмаганда, сайлов участкасига овоз бериш учун кетаётган фуқаро бу каби масалаларга жон куйдирадиган фидойи номзодларни танлай билиши керак. Сайловчи ўзи овоз бераётган номзоднинг билими ва тафаккурига баҳо бера олиш қобилиятига эга бўлиши даркор. У сайлаётган депутат парламентда маълум масала юзасидан овоз бераётиб, минглаб, миллионлаб одамлар ҳаётига таъсир этиши мумкинлигини, депутат қўлидаги лойиҳа қонун лойиҳаси эканлиги ва қонун қабул қилинганидан кейин унга ҳамма риоя этишга мажбурлигини ҳис қилиши талаб этилади.

Тан олиб айтиш керак, сайловларга бўлган муносабатимизда айрим камчиликлар ҳали-ҳамон сақланиб қолмоқда. Сайловни ҳам бошқа тадбирлар сингари шунчаки бир расмий тадбир, дабдаба сифатида тушунишдан тамомила халос бўла олмаяпмиз. Бундай муносабат собиқ тузум давридан қолган иллатдир.

Энди замон ўзгача. Депутатларга қулоқ солинаётир, уларнинг фикру мулоҳазалари, қарашлари давлат ва жамиятни бошқаришда муҳим ҳисобланаяпти. Халқ фаровонлигини, буюк келажагини истаган ёхуд шунга олиб борувчи йўлларни кўра оладиган депутатнинг овози энди ўзгача қадрланади.

Вазифамиз эса бу ҳақиқатга тушуниб-тушунмай бироз шубҳа билан қараётган одамларни уйғотишдир, асрлар давомида шаклланиб келаётган парламентчилик анъаналари моҳиятини кенг оммага етказишдир. Биз бу ҳақда гапирар эканмиз, халқимизнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий менталитетини ҳам эътиборга олсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, ўзбек халқини болажон миллат, деймиз. Аслида ҳам шундай. Одамларимиз ўз умрлари мазмунини фарзандлари камолида кўрадилар. У бутун ҳаётини фарзандига бахшида этишга тайёр. Шундай экан, сайловчи муайян номзодга овоз бераётиб, фарзандининг келажаги, бахту иқболи учун ҳам овоз бераётганини англаши муҳимдир. Унинг мактабда муносиб билим олиши, соғлом бўлиб ўсиши, фаровон ҳаёт кечириши каби муҳим жиҳатлар парламентда ўтирган депутатнинг фаолиятига ҳам бир томондан боғлиқ эканлигини ҳар бир ота-она чуқур идрок этиши зарур.

Парламент сайловлари моҳиятини кенг оммага етказишда унда иштирок этаётган сиёсий партиялар билан яқиндан ҳамкорлик олиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумингизким, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясида муҳтарам Президентимиз сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги ўрни хусусида тўхталиб, ўзларининг танқидий, ҳаққоний фикру мулоҳазаларини билдирдилар. Бундан хулоса чиқарган партиялар муайян чора-тадбирлар, турли мавзуларда йиғилишлар ўтказаётгани тез-тез тилга олинмоқда. Бу табиий, албатта. Сайлов жараёнлари ҳам шуни тақозо этади.

Бироқ шу билангина кўзланган мақсадга эришиб бўлармикин?! Бугунги кунда одамлар қалбидан жой олишнинг янги ва самарали усулларини ишга солиш, аниқ ва равшан режалар, тадбирлар белгилаш, уни амалга ошириш вақти келганга ўхшайди. Фикримизча, партия фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтгани тўғрисидаги хабарни кенг оммага етказишнинг ўзи партия муваффақиятининг асоси бўлолмайди.

Оммавий ахборот воситаларининг сайловлар жараёнидаги ўрни ҳаммага маълум. Мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситаларининг бу галги сайловлар пайтидаги аҳамияти сайловчилар учун танлаш имконини ярата олишларидадир. Айниқса, сайловлар, улар тўғрисидаги қонунчилик моҳиятини фуқароларга етказишда оммавий ахборот воситалари бекиёс аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилиши муносабати билан оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар уюштирилмоқда. Бу галги сайловлар эса кескин ва муросасиз ўтиши тўғрисида башоратлар айтилаётир.

Икки палатали парламентнинг афзалликлари тўғрисида ҳам кўп гапирилмоқда. Дарҳақиқат, ҳуқуқий демократик жамиятда икки палатали парламент бир палаталисидан кўра кўпроқ самара беради. Бу хусусда олимлар, амалиётчилар, етук сиёсатчиларнинг ҳам ижобий фикрлари мавжуд. Шу боис кўпгина ривожланган мамлакатлар, хусусан, АҚШ, Франция, Буюк Британия, Италия, Япония, Россия каби давлатларнинг қонун чиқарувчи органлари икки палаталилик тамойили асосида шакллантирилган.

Кўпчилик муаллифлар ривожланган мамлакатларда икки палатали парламент фаолият кўрсатишини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда ҳам шундай йўл тутилганлигини таъкидлайдилар. Тўғри, аммо бу масаланинг фақатгина бир жиҳати, холос. Ўзбекистонда ҳам икки палатали парламентга ўтиш тўғрисидаги қарор фақат Америка ёки Францияда шундай бўлганлиги учун қабул қилингани йўқ.

Биринчи галда буни мамлакатимиз тараққиётининг кейинги босқичлари тақозо этди. Жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг, демократия тамойилларининг юксалаётгани, давлатни бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокига эҳтиёж сезилаётгани, бир сўз билан айтганда, тарихий шарт-шароит етилгани икки палатали парламентга ўтишнинг асосидир.

Ривожланган ҳуқуқий давлат барпо этиш икки палатали парламентсиз қийин кечишини, сифатли қонунларга жамиятда эҳтиёж катталигини, бундай қонунлар эса профессионал, икки палатали парламент томонидан қабул қилиниши мумкинлигини оддий тилда одамларга тушунтириш бугун олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Парламентга бўлажак сайловлар муҳим сиёсий, тарихий воқеадир. Шу боис мазкур тадбирни ташкиллаштиришда, айниқса, унинг моҳиятини кенг оммага етказишда ҳар бир ҳуқуқшунос, ҳар бир оммавий ахборот воситаси ходими — барчамиз фаол қатнашишимиз керак.

**Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси.**

